12 (446)

2005 йил 23 март

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- "Сумалак сузинг, она!.."
- Халқаро машҳур Исфаранинг лоласи...

3
- Йигитларимиз хизматга шай!
- Юз ёшингиз муборак, пайвандкаш бобо!

4
- "Ватан ўрнини ҳеч нарса босолмас экан..."
- Ота қарғишини олма, ўғил!

Қирғизистонда рўй бераётган воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг

БАЁНОТИ

Жорий йилнинг 27 феврали ва 13 мартида бўлиб ўтган парламент сайловлари муносабати билан Қирғизистонда, айниқса унинг жанубий вилоятларида рўй бераётган воқеалар унга яқин қўшни бўлган Ўзбекистонда катта ташвиш уйғотмоқда.

Қирғизистонда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёни бошланганиданоқ Ўзбекистон турли даражадаги ҳар қандай сайловлар — ҳар бир мамлакатнинг ички иши ва улар шу мамлакатнинг амалдаги Конституцияси ва қонунларига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилиши лозим, деган қатъий позицияда турди. Ҳар бир сайловда асосий куч — бу сайловчилар бўлиб, барча даражадаги депутатлар уларнинг эркин хоҳиш-иродасига биноан, ҳеч қандай ташқи аралашув ва тазйиқларсиз сайланиши даркор. Айрим сиёсий ва жамоатчилик кучларининг сайлов натижаларидан қониқмаслиги туфайли келиб чиқадиган баҳс ва мунозаралар амалий мулоқот, Қирғизистон қонунларида белгилаб қўйилган ҳуқуқий асос ва тартиблар ҳамда амалдаги Конституцияга мувофиқ тарзда ҳал этилиши зарур.

Юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаётган Ўзбекистонда икки қардош халқ — ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихий яқинлигига, маънавий қадриятлари ва дини, урф-одат ва анъаналари, тили ва маданияти муштараклигига доимо катта аҳамият бериб келинади.

Бугун ҳам биз, шу кадимий заминда истиқомат қиладиган барча инсонлар ҳар қандай қарама-қаршилик ва юзага келган муаммоларнинг тинч йўл билан, ташқи таъсирдан мутлақо холи равишда ҳал этилишидан, ҳаммамиз учун энг муҳим бўлган минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни, оилаларимиз осойишталигини сақлаб қолишдан бирдек манфаатдормиз.

Биз Ўзбекистонда шунга аминмизки, Қирғизистон халқи қандай қийинчилик ва тўсиқларга дуч келмасин, уларни мардона енгиб ўтган ва бугун ҳам бу синовларни енгиб ўтади, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолади, мамлакатда қарама-қаршиликни кескинлаштириш учун вазиятдан фойдаланиб қолишга, миллатлараро низо келтириб чиқаришга уринадиган қабиҳ ниятли кучларнинг, аввало, ташқи кучларнинг бузғунчи чақириқ ва хатти-ҳаракатларига эргашмайди.

Биз ўзининг муносиб келажагини, мустақил, фаровон, демократик Қирғизистонни барпо этаётган қирғиз халқининг ақл-заковати ва букилмас иродасига ишонамиз.

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 март.

...ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



Юртимизда кезаётган кўклам сурури, табиат уйғонишига ҳамоҳанг халқимиз қалбида ҳам ўзгача шижоат ва илҳом, кўтаринки кайфият, байрамона руҳ ҳукмрон. Баҳорнинг хуш нафаси, айниқса ажиб бир гўзаллик билан ташриф буюрган Наврўзи олам диёримизга ўзгача жозиба бахш этди.

Бугун халқимиз ота-боболаримиз каби қадимий ва ардоқли байрамимиз — Наврўзни гавжум сайилгоҳларда шоду хуррамлик билан нишонламоқдалар. Зеро, азалдан халқимиз карнай-сурнай садолари остида, жарчилар чорлови билан Наврўз сайилига чиққанлар. Юрт бўйлаб куй-қўшиқлар, ҳазил-мутойиба, бахшилар айтишуви, лапарлар, аскиячилар пайрови янграган. Улоқ чопиш, от пойгаси, кураш, мерганлик каби томошалар байрамга алоҳида файз бағишлаган. Катта дошқозонларда кўклам таомлари пиширилган. Мана асрлар оша ана шу гўзал анъана ва удумларимиз сақланиб келаётир.

21 март куни эрта тонгдан пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳам ана шундай байрамона руҳга чулғанди. Бу ерга пойтахтимиз маҳаллаларидан муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, шунингдек мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов йиғилганларни байрам билан қутлади.

Тадбирда гўзаллик ва нафосат байрами бўлмиш Наврўзи оламни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, фольклор ва этнографик жамоаларнинг ўзига хос дастурлари, халқ ўйинлари, катта ашула, лапар, ўлан, айтишув, ялла, аскиялар, қадимий байрамизнинг ноёб қирраларини акс эттирувчи саҳна томошалари ижро этилди.

Шу куни пойтахтимиздаги барча сайилгоҳларда, кўркам боғ ва хиёбонларда, майдонларда эрта тонгданоқ мумтоз кўй-қўшиқлар, лапар ва яллалар янгради. Юртимиз аҳли Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон халқига Наврўз табриги"ни кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Юртбошимиз табригида таъкидланганидек, "Бундан минг йиллар аввал ҳам мана шундай Наврўз айёмида аждодларимиз, ота-боболаримиз қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, мўл ҳосил, ризқу рўз тилаб пок ният қилганлар, шоду хуррамлик билан кўклам нашидасини сўрганлар."

Ҳа, тинч-осойишта юртда ҳурсандчилик, тўю томоша кўпаяверади. Ота-боболаримизнинг ана шундай қутлуғ кунларда дуога қўл очиб, "Кўрганимиз тўй бўлсин, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин" дейишида ҳам катта ҳикмат бор. Зеро, фаровон ва осуда ҳаёт кечираётган элга байраму сайиллар ярашади.

Айни кунларда ҳам юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз шодиёналари давом этаётир.

"Mahalla" хабарлари

Қорақалпоғистон Республикаси

ХАЛҚАРО МУКОФОТ

Унга "Шўманай момиғи" ҳиссадорлик жамияти учинчи бор ҳам эгалик қилишди.

"Қорақалпоқпахтасаноат" ҳудудий ҳиссадорлик бирлашмаси тизимидаги "Шўманай момиғи" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Тонготар Эсмурзаев номига Женева шаҳридан қувончли хушхабар битилган хат келди.

Унда мазкур пахта тозалаш корхонаси Хартон шаҳрилик буюртмачиларга муттасил равишда фақат аъло сифатли пахта толаси етказиб бераётганлиги боис Халқаро Сифат жамғармаси бошқарувининг қарори билан Олтин медал билан тақдирланганлиги таъкидланган эди.

Бу мукофот "Шўманай момиғи" маҳсулотлари Хартонда алоҳида эътироф этилиб, мустақиллик йилларида олинган учинчи халқаро Олтин медалдир. Корхона учун ўтган 2004 йил ва амалдаги йилнинг 1-чораги, айниқса қувонарли бўлди. Қабул қилиб олинган жами 9583 тонна пахта қайта ишлангач, тола чиқими 32,5 фоизни ташкил қилди. Тайёрланган 2234 тонна тола хартонлик ҳамкорларга жўнатилди.

"Шўманай момиғи" ҳиссадорлик жамияти аъзолари 3643 тонна чигитни қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериб, бу борадаги иккинчи топшириқни ҳам анча ошиғи билан уддалади. Шунингдек, деҳқонларга 442 тонна юқори навли сара уруғлик чигит ҳам тайёрлаб берилди.

Халқаро олтин медал жамиятга шу йилнинг 31 март куни топширилади.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

"ДЕҲҚОН БОЗОРИ"НИНГ КЎМАГИ

Қўрғонтепа шаҳридаги Усмон Юсупов номли маҳаллада истиқомат қилувчи ўндан ортиқ кам даромадли, серфарзанд оилаларга "Деҳқон бозори" маъсулияти чекланган жамиятининг Наврўз совғалари топширилди.

— Бозор билан маҳалламиз ўртасидаги бу яқин алоқаларга кўп бўлди, — дейди оқсоқол Расулжон Назаров, — яқинда йиғин идорасини таъмирладик, унда ҳам бизга бозор маъмурияти катта ёрдам берди. Хонадонларимизни жиҳозлаш учун полослар ва бошқа инвентарлар билан таъминлашди. Биз ҳам ўз навбатида бозорни тартибга келтириш, ободонлаштиришга маҳалланинг ёрдамини уюштирмоқчимиз.

"Деҳқон бозори" жамияти дарҳақиқат тумандаги барча ободончилик ва хайрия ишларига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Деҳқончек қишлоғида бунёд этилган болалар спорт мажмуида бозор маблағи ҳисобига теннис корти қурилди. Шаҳрихонсой маҳалласининг барча тадбирларига жамият ҳомийлик қилиб келади. Туманда ўтказиладиган Наврўз тантаналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмаси ва савдоси ташкил этилди.

— 2002 йилдан бери ўтган даврда бозор деярли икки баробарга кенгайган, — дейди жамият раиси Шукурилло Қўлдошев. — Яна битта "Кисловодск" типидаги модул ўрнатдик, унинг атрофига 90та майда дўконлар қурдик, 2 та янги ошхона ишга тушди. Ўтган йили алоҳида буюм бозори ташкил қилдик. Ана шу ишларимиз эвазига феврал ойида далат хазинасига 3,7 миллион сўм нақд пул топширилди. Бу ўтган йилдагига қараганда икки барбар кўпдир. Ана шу тариқа биз яна ҳомийлик ва хайрия ишларимизни кенгайтириш учун янги имкониятларга эга бўлмоқдамиз.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Сиҳат-саломатлик йилида халқимизга хос батрикенглик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, жамиятимизда меҳнатсеварлик ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, умумхалқ байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли тураржойларини ободонлаштириш, мамлакатимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўришга қаратилган Фармойишига биноан март мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди.

Фармойишга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар режаси асосида кенг кўламда иш олиб борилаётир. 19 март куни мазкур ойлик доирасида умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасидан олинган маълумотга кўра, ҳашар ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки рухда ўтган. Қарийб ўн икки миллион нафар юртдошимиз бу тадбирда фаол иштирок этди. Маҳаллалар, корхоналар, ташкилот ва муассасалар ҳудудида тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўттиз тўрт минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Гузарлар, зиёратгоҳлар, болалар спорт майдончалари тартибга келтирилди.

Тураржой мавзелари, маҳалла ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиш мақсадида минглаб туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Боғроғларга шакл берилиб, дарахтлар оқланди.

Наврўз кунлари меҳр-мурувватга эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш қадимий ва эзгу анъаналаримиздандир. Ҳашар куни аждодларимизнинг бу борадаги боқий урф-одатлари янада яққолроқ намоён бўлди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тўрт юз етмиш миллион сўмликдан кўпроқ мурувват ёрдами кўрсатилди.

Ҳашар муносабати билан ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағ юртимизни янада обод этиш, маҳаллалар инфратузилмасини ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга сарфланади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

ФУТБОЛ

Футбол бўйича Италия чемпионатининг «А» серияси навбатдаги тур учрашувлари якунланди. Мамлакат чемпионлиги учун курашаётган «Ювентус» ҳамда «Режина» жамоалари учрашувида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Илёс Зейтуллаев дебютини нишонлади.

ИЛЁС ИТАЛИЯДА ТЎП СУРМОҚДА

Янги йилдан «Режина» таркибига қўшилган футболчимиз ўзининг собиқ жамоаси — «Ювентус»га қарши учрашувнинг 75-дақиқасида Марко Бориеллонинг ўрнига майдонга тушди ва беллашув давомида фаол ҳаракат қилиб, Италия миллий терма жамоаси посбони Жанлуижи Буффон дарвозасига кучли зарбалар берди.

Ҳамюртимиз Илёс Зейтуллаев уч йил муқаддам Москванинг «Академика» клуби сафидан «Ювентус»га таклиф этилган эди. Икки йил ўринбосарлар таркибида муваффақиятли тўп сурган Илёсни Европанинг бир нечта клублари ўз сафига чорлади.

Ўтган йили бир ой давом этган музокаралардан сўнг «Режина» И.Зейтуллаевни ўз сафига олишга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, Илёс дунёдаги энг кучли беш чемпионатдан бири — Италия «А» сериясида тўп суришни бошлади. У Ғарбий Европа мамлакатлари чемпионатларида тўп суришга киришган биринчи ўзбекистонлик футболчидир.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Тошкент вилояти

ҚИБРАЙНИНГ ҚУТЛУҒ КУНЛАРИ

Қибрай туманининг пойтахтимизга туташ Амир Темур номли маҳалласи илгари тўлиқ газлаштирилган бўлса ҳам, қишнинг совуқ кунларида газ босими кескин пасайиб кетарди.

Байрам арафасида бу ерга етти юз метр масофага қувур тортилиб, барча хонадонлар янги газ тармоғига уланди.

Яқинда маҳалла ҳудудидаги электр узатиш тармоқлари ҳам тўла таъмирдан чиқарилган эди. Бу ишларга маҳаллий ҳокимлик томонидан 16 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Р.ЖАББОРОВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ЮРТИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА СУМАЛАК САЙЛИ

Ўзининг 2007 йиллик тўйига тайёргарлик кўраётган Қарши шаҳрида Наврўз айниқса, ўзгача завқ билан кутиб олинди. Байрам шукуҳи шаҳардаги Гулшан маҳалласи аҳлининг кўнглини ҳам чоғ этди.

ҚАШҚАДАРЁ МАҲАЛЛАЛАРИДА БАЙРАМ

Тадбиркор йигит Ўткир Эркаев бунёд этган спорт мажмуаси эрта тонгданоқ одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерга қўшни Самарқанд, Дарвозатутак, Худойзод, Чақар маҳаллаларнинг аҳолиси, шунингдек, шаҳарнинг бошқа мавзейларидан келган меҳмонлар жам бўлишди. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев тўпланганларни Наврўз умумхалқ байрами билан самимий табриклади.

Шундан сўнг Гулшанда халқ сайили — турли-туман халқона ўйинлар, спорт мусобақалари бошланди.

Шаҳар ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси, халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди. Қушлар кўргазмаси ҳамманинг эътиборини тортди. Сайил иштирокчиларига ранг-баранг концерт дастури намойиш қилинди. Чошгохда шаҳардаги театр майдонида Наврўз сайили авжига чиқди.

Умуман, воҳанинг ҳар бир гўшасида аҳоли гурас-гурас бўлиб сайилга чиқдилар.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Қорақалпоғистон Республикаси

"ОВУЛИМИЗ ҚУШИҚҚА ТЎЛДИ..."

Тўрткўл туманидаги Ўзбекистон овули фуқаролар йиғинида ҳам сумалак сайли давом этмоқда. Овулдошлар 92 баҳорни қаршилаган Реймажон ая Машариповонинг хонадонига йиғилишиб, ҳовлида ўрнатилган дошқозонларда сумалак қайнатишга киришдилар.

Сумалак тайёрлаш жараёни миллий куй-қўшиқлар, рақсларга уланиб кетди. Тайёр бўлган баҳорий таом — сумалак овул гузарида ташкил этилган Наврўзи олам шодиёнаси дастурхонига тортилди. Тўкин дастурхон атрофига йиғилганлар яна шундай дориломон замон учун истиқлолга шукроналар айтишди, баҳорни, Наврўзни олқишлашди. Гузар майдонида эса томошалар кечгача давом этди.

Қорақалпоғистоннинг барча ҳудудларида Наврўз тантаналари давом этмоқда.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" мухбири.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Бухоро вилояти

Ёшлик маҳалласи фуқаролар йиғини кўҳна Бухоро шаҳрининг сўлим чорбоғларидан бирида жойлашган. Йиғинга "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Воҳиб Қурбонов кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётир. У ўз ҳудудини беш бармоғидек билади. Унинг меҳрли назаридан ҳеч ким четда қолмайди. Хурсандчиликлар эл ўртасида нишонланади.

ЧОРБОҒ ҚЎЙНИДА

Яқинда маҳалла аҳли чорбоғ қўйнида сумалак сайли ўтказдилар. Кексалар давранинг тўридан ўрин олдилар. Кўк чучвара, кўк сомсаларнинг файзидан дастурхон тўлиб-тошиб кетди. Маҳалланинг пазанда аёлларининг тун бўйи ўтин қалаб, яллаю лапарлар завқи билан дошқозонда пиширган сумалаклари асалдек тотли бўлди. Йиғин раиси барчани Наврўз айёми билан қутлади. Қарияларнинг бир-бирлари билан кўзларида меҳр ила ҳол-аҳвол сўрашишлари жуда-жуда ярашиб кетди. Ёшлар хизматда бўлдилар. Маҳалла кексаларидан бири, қўли гул боғбон Эркин ота Рўзиев бу кунларга етказганига шукур дея тиловат қилди. Даврада куй-қўшиқ янгради. Келганларга сумалак тортилди. "Ёшлик" ширкатининг чаққон йигитлари, маҳалла фаоллари қўли-қўлига тегмай хизмат қилишди. Сумалак базмига ёшу қари — барча чиқди. Тўрт-беш нафар бемор-у, ногироннинг хонадонларига сумалак юборилди.

Андижон вилояти

КАТТА ОИЛАДА КАТТА БАЙРАМ

Баҳорнинг бу оқшоми Қўрғонтепа туманидаги Ижтимоиёт маҳалласига ўзгача файз киритди. Навоий номли ширкат хўжалигида ўттиз йилдан ортиқ механизаторлик қилган Рашид ота Абдукаримов, хўжаликнинг илғор аъзоси бўлган Ўктамхон аялар ўзларининг ўн нафар фарзандлари, келин-куёвлари, неваралари билан кичик ўғиллари Музаффарбекнинг хонадонида Наврўз байрамини нишонлаш учун йиғилдилар. Қишлоқда табиийки, бирор жойда қувончли воқеа бўлса, қўни-қўшнилар, ёру биродарлар ўз-ўзидан жам бўлади.

Бир томонда дошқозонда сумалак қайнади. Ҳовли ўртасида тузалган катта байрам дастурхонига ҳамма ўз топганини қўйди. Ажойиб куй-қўшиқлар, болаларнинг қий-чуви баҳорий кайфият билан уйғунлашиб кетди.

— Ҳаётда ҳар бир инсон Рашид ота ва Ўктамхон аялардек яшаши керак, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Лобархон Мамажонова. — Бу оддий ва самимий инсонлар ўзларининг ота-оналик бурчларини аъло даражада бажардилар.Бугунги кунда уларнинг етти нафар ўғли ва уч нафар қизлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида ҳалол меҳнат қилиб, элнинг корига ярамоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, бу оилада бекорчи одам йўқ.

Дарҳақиқат, тўрт нафар фарзанд ота касбини шарафламоқда, оилада ўқитувчи, ишчи, ҳамшира ҳам бор. Катта оила ҳар йили янги уй солади, бир ёки икки марта тўй қилади. Буларнинг ҳаммаси, албатта меҳнатнинг орқасидан. Оиланинг яна бир анъанаси бор: ҳар йили Наврўз янги уйга кўчиб чиққан оила хонадонида нишонланади. Рашид ота ва Ўктамхон ая шу оқшом йиғилганлар гувоҳлигида Музаффарбекнинг оиласига аҳиллик ва барака тилаб дуо қилдилар.

Уларнинг тилагига эртасига тонг азонда Музаффарбек ва умр йўлдоши Барнохонлар улашиб кетган ажойиб Наврўз таоми — сумалакни нонуштада тотиб кўрган ҳамқишлоқлар ҳам қўшилдилар. Эл маҳаллада биринчи бўлиб сумалак пиширган оилага қут-барака, қўша-қўша фарзандлар тилади. Наврўз айёмида қилинган тилаклар эса ҳамиша мустажоб бўлади, дейди халқимз.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

НАВРЎЗДА БОҒИКАЛОНГА КЕЛИНГ!

Боғикалон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда "Бухоро" ширкат хўжалиги мутасаддилари спортга ихлосманд одамлар. Яқинда улар хайрли бир ишни амалга оширдилар. Боғикалон қишлоғи чеккасида бир гектарлик майдон ташландиқ ҳолда ётарди. Эзгу мақсад уч-тўртта тадбиркорнинг кўнглига қўл солишдан бошланди.

Бирлашган ўзар, деганларидек зарур техникалар ёрдамида нообод жой қисқа фурсатда кафтдек текис майдонга айланди. Бу ерда болалар ўйингоҳи бунёд этилди. Югуриш йўлаклари, футбол, баскетбол майдончалари қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланган.

Хайрли ташаббусга қишлоқ одамлари, спортсевар ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Теварак атрофга 1500 туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Шу кунларда ўйингоҳда Наврўз байрамига бағишланган мусобақалар ўтказилмоқда.

Дилмурод ЖАББОР, "Mahalla" мухбири.

БАЙРАМ ГУРУНГЛАРИ

— Аҳиллик, оғизбирлик айёми дегим келади Наврўзни, — деди Хива тумани Ўзбекистон қишлоғидаги Парчахос маҳалласи оқсоқоли Султонбой ҳожи Жуманиёз ўғли. — Негаки, ана шу айём боис эски гина, аразлар унутилади, одамлар бир-бирлари билан аҳил-иноқ, дўст-биродар бўлиб хайрли ишларнинг режаларини тузадилар.

— Қадим Хивамизда таваллуд топган Огаҳий "Бўл шоду хуррам, эй кўнгулким, мавоуми Наврўз эрур, Султони одил халқининг ҳар бир куни Наврўз эрур" дея бу миллий байрамимизни гўзал мисраларда мадҳ этган эдилар. Айни кунларда Огаҳий туғилган Эски Қиёт қишлоғида ҳам Наврўз тантаналари хуш бир кайфиятда, жўшқинлик билан тантана қилинаётир, — деди ана шу қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилором Раҳимова. — Қишлоқ мактаби ёшлари Огаҳийнинг баҳор, Наврўз, кўклам таровати акс этган шеъру ғазалларидан бир ажиб гулдаста туздилар. Шоирнинг уй музейи олдидаги ҳайкали пойида уларни назм-наво мухлисларига тортиқ қилаяптилар.

— Ҳар йили Ичонқалъа Наврўз кунларида катта тўйхонага айланиб кетади. Хорижликлар қадим ёдгорликларга, миллий қадриятларимиз, Наврўз сайлига ҳайрат ва ҳавас билан боқадилар, — деди Ичонқалъа музей қўриқхонаси бош директори Ботир Давлатов.

— Ҳар йили келинларим, қўни-қўшнилар билан биргаликда сумалак тайёрлаймиз, — деди Дўстлик маҳалласида яшовчи онахон Ойбиби Матрасулова. — Бу йил ҳам қозон атрофида жамулжам бўлиб сумалак пиширдик. Маҳалламиз оқсоқоли Ғайрат Юсупов созандаларни бошлаб келди. Ўйин-кулгу, соз-суҳбат тонггача давом этди.

— Бу улуғ айёмда бева-бечоралар, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, кўнгли яримларга таскин бериш халқимизнинг ажойиб фазилати. Байрам арафасида бизнинг масканга кўплаб совға-саломлар билан келган, болажонлар кўнглини кўтарган ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги, ички ишлар бўлимидаги азизларга, саховатпеша инсонларга миннатдорчилик билдирамиз. Уларни Худо қўлласин, бирига мингни берсин! — деди 20-Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак.

Соёлик Назаржон эшонбобо суҳбатимизга шундай хулоса ясадилар:

— Авлиёлар пири, дин пешвоси деб ном олган азиз инсон, чинакам ватанпарвар, файласуф шоир Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари биз-нинг қишлоғимизда таваллуд топганлар. Бу йил ана шу табаррук зотнинг 860 йиллик таваллуд тўйи бўлади. Наврўз ана шу қутлуғ тайёргарлик ишларимизга қанот, куч-қувват бағишлади, туганмас илҳом ато этди. Кубро ҳазратлари айтганлар:

Хоразм вилояти

"Дунёнинг кўп қисмини кезиб чиқдим, кўп ишларни тажриба қилдим. Қийинчиликларга кўникдим, улуғ ишларга қадам босдим, фузалолар ҳурматида бўлдим. Кўрдимки, умр ва дунёдан тез, шошилиб, йўқ бўлиб кетадиган, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан. Дунёю охират яхшилигини қаноатда, ёмонлигини эса нафсни тия билмасликда кўрдим. Кўрдимки, экмаган ўрмайди, шавқат қилмаганга шафқат қилинмайди. Алданишдан сақланинг!"

Демак, кўнглимиз гина, араздан холи, ниятимиз пок бўлса, ҳасад, ғараз, бўҳтон, эринчоқлик, лоқайдлик деган иллатларга йўл бермасак бас, ҳар кунимиз Наврўз бўлгани шу!

Абдулла САФОЕВ, "Mahalla" мухбири.

● Гул — ҳаёт кўрки, нафосат рамзи

ЛОЛАЗОРЛАР ОВОЗАСИ

Одамзоднинг гулларга бўлган шайдолиги жуда қадим замонлардан буён давом этиб, қон-қонига сингиб кетган. Тарихий маълумотларга кўра, Амир Темур боғларида мевали ва манзарали дарахтлар билан бирга кўк бинафша, садбарг, наргиз, боғ лоласи, тоғ лоласи, оқ ёсуман, сариқ арғун, сариқ бинафша, сариқ лола, гули раъно, сариқ ёсуман, нилуфар, гултожихўроз кабилар ўстирилган. Бу гуллар навбати билан бирин-кетин очилиб турган. Алишер Навоийнинг замондоши Зайниддин Восифий эса Тошкент ташқарисидаги боғларда атиргуллар, лолалар, райҳон, бинафшалар, савсар, гулхайрилар, гулизебо ва бошқа нафис гуллар ўстирилганлигини ёзади.

Сахий табиат бизга турли-туман гуллар инъом қилган. Шу гуллар орасида ўзининг дилкаш ранги, жозибали кўриниши, нафислиги билан ажралиб турадигани табиатнинг дилбар қизи — тоғ лоласидир. Шоир Саъдий ўзининг "Гулистон" достонида лола гулига ажойиб таъриф берган. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳам Самарқандда яшаб, ижод этган йиллари ўз шеър ва достонларида лоладан гўзаллик рамзи сифатида ўринли фойдаланган. У ҳатто лоланинг турли навлари борлигини ҳам айтиб ўтган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур лола ҳақида, унинг турлари тўғрисида шундай ёзган эди. **"Бу замонда (тоғ этагида) ранго-ранг ҳар нав лола бўлур. Бир қатла санъатим, ўттиз икки, ўттиз уч нав ғайри мухаррар Лола чиқди. Бир нав Лола бўлурким ондин қизил гул ҳиди келур, лолаи гул бўй дер эдик. Дашти Шайхда бир барча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас..."**

Ўрта Осиё лоласининг довруғи ўша даврларда ҳам гул ишкибозлари диққатини тортганлиги маълум. XVI асрдаёқ лола пиёзи Ўрта Осиёдан бошқа бир қатор Европа мамлакатларига олиб кетилган. У аввало Англия, Австрия, Голландия каби мамлакатларга олиб ўтилган. Манзарали ўсимлик ўрнига экиладиган лолаларнинг бир неча юз навлари мавжуд. Ёввойи ҳолда ўсадиган лолаларнинг саксон уч тури Ўрта Осиёда мавжуд бўлиб, шундан йигирма уч хили бизнинг республикамиздадир. Республикамиз ботаник олимлари, жумладан, биология фанлари номзоди Асатулла Шарипов лолаларнинг янги навларини яратиш ва уларни иқлимга мослаштириш соҳасида самарали илмий текшириш ишларининг олиб бормоқда. У 46 йилдан бери лола навини яратиш билан шуғулланиб келмоқда. Олим 15 дан ортиқ лола навини яратган.

Нафисликда тенги йўқ бу гул диёримизнинг хушманзара жойларида кўп учрайди. Сахий табиат боғларида ўрин олган қизил, оқ қизил, тўқ қизил, сарғиш, тарғил ва бошқа ранглардаги лолалар якка-якка ҳолда, тўп-тўп бўлиб ўсади.

Лола хушбўй гул бўлиши билан бирга, тиббиёт фани мутахассисларининг таъкидлашларича, шифобахш хусусиятга ҳам эга. Халқ табобатида лола пиёзи ревматизм, юрак, қон-томир касалликларини даволашда қўлланилади.

Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда қадим замонлардан бошлаб, ҳар хил хушбўй гуллар ўстириш ва турли номлар билан гул сайллари ўтказиш кишилар ҳаётида одат тусига кириб қолган. Испан қироли Генрих III элчиси Рун Гонзалес де Клавихо ҳамда тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Самарқанд атрофидаги боғларда, қир-адирларда тантанали маросимлар — сайллар ўтказилган. XIX асрда яшаган тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳнинг "Тарихи Жадидаий Тошканд" ("Тошкентнинг янги тарихи") номли асарида таърифлашича, баҳор мавсумларида шаҳарнинг шимоли-ғарбий ва ғарбий дарвозалари орқали Дашти Қипчоқ (жанубий Қозоғистон)га йўналган қадимги Карвон йўлининг қарийб уч фарсаҳлик (18 километр) масофадаги адирлик лолазор билан қопланган. Бу лолазор ҳар йили баҳор мавсумида тошкентликларнинг лола сайлига чиқиб дам олиб қайтадиган истироҳатгоҳи бўлган. 1870 йилда асир тушган ва Хивада бир неча йил яшаган И.Ильичков руслар келишидан олдин бозор майдонларида, кўча-кўй ва шаҳар атрофларида, шунингдек, баҳорда, лола байрамларида сайл ва томошалар ўтишини, унда жуда кўп созанда, раққоса ва актёрларнинг қатнашганларини ёзади. Элшунос олима, тарих фанлари доктори Е.М.Пешерованинг ёзишича, халқ сайллари, айниқса XX асрнинг 20-йилларида Собиқ Қўқон уездининг Исфара қишлоғида жуда ҳам қизиқарли ўтар экан. Сайл айни лола очилган вақтда бошланган. Сайл кунларида ҳамма ясаниб олиб, лола тергани қир-адирларга чиқишган. Тантанали байрам куни ва жойи белгилангандан кейин яхши бир дарахт ёки унинг шохи кесиб келтирилиб, ёшлар териб келган лолалар билан кексалар шу дарахтни юксак дид билан безаганлар.

Байрам ўтказиладиган майдон олдин чиройли гиламлар, кашталар ва нафис матолар (Соҳибқирон Амир Темур ҳам Конигилдаги сайл тантаналирини шундай безаган) билан безатилади. Исфаралик шоир Бобо Ғолиб ўша даврда бўлган лола сайлида айтилган қўшиқни мана бундай деб ёзади;

Халқаро машҳур бўлди,
Исфаранинг лоласи.
Андижону Марғилон
Қўқондадур овозаси.

Наврўз кунларида Лола сайлини ўтказиш Сурхондарё вилоятида, айниқса Бойсунда кенг аньана бўлган. Бу сайлларда лолага бағишлаб, "Лола, лола, лолажон", "Ҳей лола" каби қўшиқлар кўпчилик бўлиб куйланган.

1895 йил баҳорида Самарқанднинг гўзал Конигил майдонида ташкил этилган Наврўз ва Лола сайлида турли кўнгилочар миллий ўйинлар, мусиқа, ашула ва рақслар, дорбоз, полвонларнинг беллашувлари бўлганлиги ва уларнинг уюшқоқлик билан, мазмунли ҳамда қизиқарли ўтганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар бор.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Тошкент шаҳри

Наврўз айёми Юнусобод туманидаги Оқтепа маҳалласи аҳлига қўшалоқ қувонч олиб келди. Ниҳоят оқтепаликлар ҳам ўз маҳалла идорасига эга бўлдилар.

ОҚТЕПАДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

— Ўттиз йилдирки маҳалла идораси бўлмагани боис ҳудуддаги тиббий пункт биносидан ажратилган 2 та хонада фаолият кўрсатиб келар эдик, — дейди маҳалла оқсоқоли Эркин Турсунов. — Бу ҳол, айниқса кейинги йилларда иш фаолиятимизда бир қатор ноқулайликларнинг юзага келишига сабаб бўлаётган эди. Шу боис маҳалла учун идора қуришга қарор қилдик. Бу ташаббусни маҳалланинг саховатпеша инсонлари, тадбиркорлари қўллаб-қувватлашди. Қисқа муддатда 15 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари ҳисобидан замонавий бино бунёд этилди.

21 март куни Наврўзни нишонлаш учун катта байрам дастурхони атрофида йиғилган Оқтепа аҳолиси маҳалла идорасининг тантанали очилиш маросимига ҳам гувоҳ бўлдилар.

Эътиборли жиҳати, идора биноси 6 хонадан иборат бўлиб, унда маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчиси, котиби, посбони, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси учун алоҳида хоналар ажратилган. Шунингдек, бинодан 120 кишига мўлжалланган мажлислар зали ҳамда архив хоналари ҳам жой олган.

— Энди идора ёнидан дорихона ва стоматология масканини қураяпмиз, — дейди оқсоқол Э.Турсунов. — Маҳалла поликлиникасини қайтадан таъмирлаш учун 6 млн. сўм маблағ ажратдик. Ана шу хайрли ишларимиз амалга ошса, маҳалла фуқаролар йиғини идораси жойлашган ушбу ҳудуд кўркам гузарга айланади.

Ф.БЎТАЕВ, "Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *Оқтепа маҳалласи идорасининг кўриниши.*

Қарор ва ижро

БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ

у юксак савияда ўтади

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1978-1987 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларни жорий йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақириш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Бахтиёр МАҲМУДОВ мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур қарори фуқароларни баҳорда Куролли Кучлар сафига чақириш ва бу тадбирни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишда муҳим аҳамиятга эга. Қарорга мувофиқ бу борада Мудофаа вазирининг ҳам тегишли буйруғи эълон қилинди. Жойларда йигитларни муддатли харбий хизматга навбатдаги чақирув билан боғлиқ барча тайёргарлик ишлари ана шу ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг баҳорида Куролли Кучлар сафига чақирилиши зарур бўлган ёшларни ўрганиш ишлари Мудофаа вазирининг буйруғи ва тегишли йўриқнома талабларига қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этиляпти. Навбатдаги чақирувга пухта ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Армия сафига чақирилувчиларни ўрганишга жалб этилган шахсий таркиб билан услубий машғулотлар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойиши асосида ҳарбийлар, тегишли муассаса ва ташкилот вакилларидан иборат саралаш комиссиялари ташкил этилди. Туман ҳокимларининг ўринбосарлари — чақирув комиссияси раислари раҳбарлигида жойларда чақирилувчиларни хабардор қилиш ва уларни ўрганишга оид масалалар юзасидан йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Армия сафига чақирилувчи ёшларни ўрганишга туман мудофаа ишлари бўлимларининг барча ҳарбий хизматчилари жалб этилган. Чақирилувчиларни ўрганиш ва улар билан суҳбат ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли учларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳиятини ёшларга кенг тушунтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган тадбирларда, аввало, чақирилувчиларнинг соғлиғи, интеллектуал салоҳияти ва жисмоний тайёргарлигига алоҳида аҳамият қаратилаётир. Хусусан, чақирилувчиларнинг сифатли ва ҳолисона тиббий кўрикдан ўтказилиши таъминланяпти.

Бу борада балл системаси танловнинг асосий мезони ҳисобланади. Танлов чақирув комиссиялари иш бошлашидан бир ой олдин ўтказилади ва унинг натижалари туман мудофаа ишлари бўлимида эълон қилинади.

Президентимиз қарорида муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Куролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олиниши кўрсатилган.

Ҳозирда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида ҳарбий хизматнинг бу янги турини тушунтириш бўйича кенг қамровли ишлар ташкил этилмоқда.



Чақирилувчиларни Куролли Кучлар сафига тайёрлаш ишлари деярли барча туманларда талаб даражасида ташкил қилинмоқда. Бу масъулиятли иш, айниқса, Ҳамза, Миробод ва Шайхонтоҳур туманларида намунали олиб бориляпти.

Олдимизда давр талабларига жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армияни шакллантиришдек масъулиятли ва шарафли вазифа турибди. Мақсадимиз Куролли Кучларимиз сафига соғлом, жисмонан бақувват ва руҳан баркамол ёшларни жўнатишдан иборат.

ЎзА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ ёзиб олди.

Олам турфа

ПЕРУЛИК

уч нафар ёш йигит гитарада мусиқа чалиш бўйича "қаҳрамон" бўлишди.

Улар ушбу мусиқа асбобида 55 соат куй чалишиб, (ҳар соатда 10 дақиқа дам олишди) томошабинларни лол қолдиришди. Бу "марафон" янада узоқроқ давом этиши мумкин эди, лекин навбатчи шифокор уни тўхтатиб қўйди, чунки мусиқачиларнинг бармоқлари қонга беланиб кетганди.

ҲИНДИСТОН-

нинг Ҳайдаровод шаҳрида яшовчи актёр Ширинжон Вас эса бошқаларга тақлид қилишга уста.

У танаффуссиз 32 соат мобайнида 500 нафар томошабинга таниқли сиёсий арбобларнинг, кино юлдузларнинг, қуш ва бошқа жониворларнинг овозини ва характерли "қилиқлари"ни қойилмақом қилиб бажарди.

МАБОДО,

кўп гапириш бўйича жаҳон биринчилигиўтказилса, чилилик диктор Мигель Анхель Наваррет алватта, биринчиликни эгаллаган бўларди.

Томе шаҳри радиостанциясининг юбилейига бағишланган байрам эшиттиришини 30 июлда бошлаган Наваррет студияни 8 августдагина тарк этди. Шундай қилиб, чарчамас диктор 113 соату 7 дақиқа тўхтамасдан гапирди.

ҚАРСАК

чалишнинг ҳам ўзига хос сабаблари бўлади. Лекин Жанубий Ҳиндистоннинг Мадрас шаҳридаги банк ходиматчиси Жаярам қарсак чалиш орқали шуҳрат қозонмоқчи бўлди.

У 67 соат давомида кафтини-кафтига уриб, ўзининг 1986 йилги рекордини янгилади. Жаярам қарсак чалишни шифокорларнинг зўри билан тўхтатди. Чунки, унинг кафтлари шишиб, қон оқа бошлаган эди.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Замондошлар ибрати

САНГИНОВнинг САХОВАТИ

Сурхондарё вилояти

Улар оилада ўн бир нафар фарзанд эди. Етти нафари ўғил. Оила бошлиғи Ражаб ака Сангинов қишлоқ йиғини раиси эди. Оилага қўшимча даромад келтиришнинг имкони йўқ. У кам эмас, ана шу вазифада йигирма олти йил ишлади.

Ражаб аканинг ўғилларидан бири Неъмат Сангинов қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологияси мутахассислиги бўйича олий-гоҳни тугатди. Меҳнат фаолиятини Сариосиёдаги шағал саралаш корхонасидан бошлади. Дастлаб механик, бош муҳандис вазифасида ишлади, сўнг корхона раҳбари бўлди.

Янги раҳбар корхонанинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш йўлларини излади. Ускуналар янгиланди. Мавжудлари бошдан оёқ таъмирланди. Ишга тажрибали мутахассис-кадрлар жалб этилди. Амалга оширилган тадбирлар самараси тезда кўзга ташланди. Корхона ишчилари сони юз кишидан ошди. Шағал саралаш цехларида иш уч навбатда ташкил этилди. Ҳатто корхона маҳсулотларининг хорижга экспорт қилинаётгани ҳам қувонарли.

Корхона Сариосиё шаҳридаги Эркин маҳалласи ҳудудида жойлашган. Маҳалла аҳли Неъмат Сангиновдан беҳад миннатдор. Негаки, бу ташаббускор инсон маҳаллада ўтказиладиган тадбирларнинг бошида туради, маблағ билан таъминлайди. Меҳр ва мурувват йилида эҳтиёжманд оилалар саховатпеша инсон Неъмат Сангиновдан қарийб тўрт юз минг сўм пул олди. Ўқиш истагини билдирган ёшларни ҳам у моддий қўллаб-қувватлаб келаяпти. Саломатлигини йўқотган беш киши даволанишлари учун марказий шифохоналарга жойлаштирилди.

Маҳаллада ўнга яқин ички йўллар бор. Ҳаммаси равон, обод. Бунда ҳиммати баланд Неъмат аканинг муносиб хизмати бор. Ўтган йили ички йўллардан иккитаси жорий таъмирдан чиқарилди. Боқувчисини йўқотган, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга ҳам у ҳомий, мададкор. Улар умргузаронлик қилаётган уйлар янгича қиёфага кирди, таъмирлаб берилди.

Неъмат ака тиниб-тинчимас инсон. Бўш вақтида уйида деҳқончилик билан шуғулланади. 2004 йили картошка, карам, пиёз етиштиришдан саккиз миллион сўм соф даромад олди. У бу пулларни ҳам хайрли ишга сарф этди. Маҳаллада етти хонадан иборат гузар қурилишини маблағ билан таъминлади. Улардан хизмат кўрсатиш корхоналари ўрин олди. Маҳалла гузари қаршисидаги фаввора ҳам оригиналлиги билан туманда ягона. Неъмат ака ўткир зеҳнли муҳандис эмасми, фавворанинг лойиҳаси устида ўзи ишлади. Унинг кўриниши бошқа фавворалардан фарқ қилади. Фаввора атрофида болалар ўйнайдиган мосламалар ўрнатилди.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

Маҳаллаларда тинч ва осуда турмушни қарор топтиришда, фуқароларнинг ҳуқуқий, қолаверса, маълум маънода маънавий-маърифий, сиёсий билимларини шакллантиришда маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ана шу ҳудудда фаолият олиб борувчи милиция таянч пунктлари ходимларининг хизмати катта. Бу борада Чилонзор туманидаги Халқлар дўстлиги маҳалласи фуқаролар йиғини ҳамда маҳалла милиция таянч пунктида олиб борилаётган ҳамкорликдаги ишлар диққатга сазовор.

ОСУДАЛИК ОМИЛИ

Маҳаллада 5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улар билан маҳалла йиғини ва таянч пункти ходимлари бевосита алоқа ўрнатганлар. Жумладан, маҳаллада бир ойда икки марта "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори остида огоҳликка даъват этувчи тадбир ўтказилади. Шунингдек, аҳоли ўртасида узлуксиз равишда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик суҳбатлар, тушунтириш ишларини ўтказиш одат тусига кирган.

— Маҳалла ҳудудида жойлашган 178- ва 182- умумий ўрта таълим мактаблари билан ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди профилактика нозири Ниғмат Содиқов. — Мактаб мутасаддилари билан келишган ҳолда ҳар ойда бир марта бошланғич ва юқори синф ўқувчиларига туман ҳокимлиги, туман ички ишлар бўлими вакиллари билан биргаликда ҳуқуқий мавзуларда маърузалар ўқиймиз. Жамиятдаги турли иллатлар, уларнинг оқибитлари ҳақида давра суҳбатлари ташкил этилади.

Албатта, саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаяпти. Хусусан, ушбу тадбирлар ёшлар ўртасида содир бўладиган майда безориликлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда қўл келмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир кўчага бириктирилган маҳалла посбонлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, ҳар бир воқеа-ҳодисани зийрак назарларидан четда қолдирмайдилар. Айниқса, уларнинг ёшларни спортга кенг жалб қилаётганлари алоҳида эътиборга молик. Бунинг натижаси ёмон бўлмаяпти. Маҳалла ёшлари турли спорт мусобақаларида, кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритиб келаяпти.

Энг асосийси, маҳалла ва таянч пункти ўртасидаги ҳамкорлик самарали бўлаяпти. Маҳалла посбонлари ҳам, милиция таянч пунктининг ходимлари ҳам ўз ишларига маъсулият билан ёндошадилар. Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, ёш авлодни етук инсонлар сифатида вояга етказишдек шарафли иш учун жонини жабборга бериб меҳнат қиладилар.

Дилмурод СОДИҚОВ

Навоий вилояти

Кармана туманидаги Жалойир қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Риза бобо Ҳамроев пайвандлашнинг моҳир устаси сифатида туманда ном таратган. Бобо умрининг юзинчи баҳорини ҳам боғу бўстонларда, дарахтларни парваришлаб қаршилади.

Х.ШОПЎЛАТОВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти

ҒУЗОРДА ЯНГИ ГУЗАР

Ғузор туманидаги Иқбол Эгамбердиева номли маҳаллада вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита ёрдамида янги гузар бунёд этилди. Гузар қурилишига "Ғузор пахта тозалаш" очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳомийлик қилди. Ўз навбатида ушбу бунёдкорлик ишига Халқаро CHF ташкилоти ҳам ўз ёрдамини кўрсатди. Натижада ҳудудда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда милиция таянч пункти учун кўркам бинолар қад ростлади.

Яқинда маҳалла гузари тантанали равишда фойдаланишга топширилди ҳамда шу куни янги гузарда "Аҳил маҳаллам — асл маҳаллам" деб номланган тадбир ўтказилди. Тадбирда меҳр-оқибат, дўстлик, садоқат, тинч-тотувлик ва осойишталик каби эзгу тушунчаларни тараннум этувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди, куй-қўшиқлар янгради.

Тадбир якунида маҳаллада яшовчи тадбиркор Музаир Ғаммуев 15 нафар кам таъминланган оила фарзандларини совғалар билан сийлади.

Саъдулла ЎЛЖАЕВ, "Маҳалла" жамғармаси Ғузор тумани бўлинмаси раиси.

Суддан сўнгги мулоҳаза...

ЖИНОЯТНИ ЕНГГАН ОҚИБАТ

Қотиллик юз бериши аниқ эди. Ота-бола Владимир ва Андрей Мартемъяновлар хаётларини ҳавф остига қўйиб бўлсада, бунинг олдини олишди. Тунги сукунатни аёлнинг чинқириқ овози бузди. "Ёрдам беринглар! Ёрдам беринг, Володя амаки!.."

Владимир бир соатча аввал хонасига кириб ётган бўлсада, ҳали уйқуга кетмаган эди. Кўчадан уйга қайтган ўғли Андрей эса онаси билан телевизор кўриб ўтирарди.

Қўшни хонадон сохибасининг чинқириғини Людмила опа биринчи бўлиб эшитди. Эшитди-ю тинчлиги бузилиб, эри ва ўғлини шошилтирди.

Апил-тапил кийинган Владимир ховли эшикка югурди. Отасидан олдин чопиб чиққан Андрей кўчада қўшни эшигини очишга уринаётганди. "Тезроқ, девордан ошиб тушинглар" деди ичкаридан қўшни аёл ёлвориб.

— Яна эшикдан чиқиб қочмасин, шу ерда туринг, — деди Андрей отасига. У югуриб ховлиларига кириб, болта ва таёқ олиб чиқди. Болтани отасига берди. Ўзи таёқ билан девордан ошиб тушди. Ховлида нотаниш кимса қўлида пичоқ ушлаган ҳолда турарди.

— Пичоқни ташла! — деди Андрей таёқ ўқталиб.

— Сениям сўйиб ташлайман! — бўкирди нотаниш кимса айвон тарафга тисарилиб.

Андрей эшик занжирини туширди. Ховлига болта билан қуролланган отаси кирди. Ота-бола нотаниш кимсани икки тарафдан бир бурчакка қисиб боришди. Уларга бас кела олмаслигига кўзи етган нотаниш кимса, ниҳоят қўлидаги пичоқни полга ташлади. Владимир ва Андрей унинг ёнига бориб, қўлларини боғладилар. Хонадонга кириб келган Людмила опа юз-кўзлари, томоғи қонга бўялган Раъно хон билан овора бўлди. Тез орада "Тез ёрдам" ва милиция ходимлари етиб келишди...

Ушбу нохуш воқеанинг қисқача сабаблари қуйидагича эди.

...Алихон Абдуллаев йигирма олти ёшда. У ҳарбий хизматни ўтаб келгач, аввал Марғилон шаҳридаги "Атлас" фирмасида, кейинчалик хусусий фирмалардан бирида кўрикчи бўлиб ишлаган. Ушбу фирма тугатилгач, Фарғона шаҳридаги спорт мажмуига эшикбон бўлиб ишга кирган. Бу ишда ҳам узоқ ишламади. Бу орада уйланди. Бироқ қайнона-келиннинг "гапи" чиқишмай, оилада жанжал бўлавергач, у уйини сотиб, Москвага — хотининнинг тоғаси ваъда қилган ишда ишлаш илинжида кетди. Бироқ бегона шаҳарда иши юришмагач, яна Фарғонага қайтиб, ижара уйда яшай бошлади.

Хонадон бекаси бир ойча ўтар-ўтмас, ижара ҳақини беш минг сўмдан саккиз минг сўмга оширди. Бунга рози бўлмаган Алихон бошқа уй ахтаришга тушди.

Отасининг гапига кирмай, тайёр уйни сотиб юборган аламзада Алихон бу орада ичкиликка ружу қўйди. Воқеа содир бўлган кун ҳам у кечгача танишларидан ижара уй суриштирди. Уй тополмай таби тирриқ бўлгач, кечки пайт соат саккиз яримларда винога ароқни аралаштириб ичиб, маст-аласт ҳолда Ибрат маҳалласида яшовчи қариндоши Саиджамолхонларнинг кўча дарвозасини тақиллатди. Саиджамолхон Россияга кетган, уйда эса унинг хотини болалари ва қайнонаси билан бирга туришарди. Раъно хон эрта билан қайнонаси Мастура опани Тошкентга, қайнсинглисиникига кузатиб қўйган эди.

Раъно хон уйларига тез-тез келиб турадиган қариндошлари ҳурмати учун эшикни очиб, Алихонни уйга киритди. Айвонда бироз гаплашиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, Раъно хон уй юмушлари билан банд бўлди. Алихон эса унинг ўн икки яшар ўғли билан алламаҳалгача телевизор кўриб ўтирди.

— Кеч бўлди, уйингизга боринг энди, биз ҳам ётиб ухлаймиз, — деди Раъно хон меҳмонга. Маст-аласт Алихонга бу гап гўё уйдан ҳайдаётгандай бўлиб туйилди. Ичкилик кайфи миясига урилиб, феъли айниди. Кўча эшигини очмоқчи бўлган Раъно хонни уриб, ерга йиқитди. Ошпичоқ билан юзини, бўйнини тилиб юборди. Раъно хон шунда қўшнисини ёрдамга чақирди. Бахтига оқибатли қўшнилари бор экан...

Оддий, инсоний бурчларини адо этган Владимир Борисович — пенсионер, уй-томорқа ишлари билан банд. Унинг турмуш ўртоғи Людмила опа Фарғона шаҳар таксисаройида муҳандис бўлиб ишлайди. Ўғиллари Андрей оғир атлетика — штанга бўйича Халқаро спорт устаси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Аҳил турмуш кечириб барчага ибрат бўлаётган ушбу оила доимо ўзгалар ташвишини баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзишга одатланган. Кези келганда айтиш ўринли. Орамизда баъзи одамлар ана шундай мушкул дамларда қўни-қўшни, ошна-оғайни, қариндош-уруғларига ёрдам бериш ўрнига, ўзини билиб билмагандай, кўриб кўрмагандай тутадилар. Оч қорним — тинч қулоғим қабилида иш тутувчи ёки ўз жонини ўйлаб чўчиб турувчи бундай инсонлардан яхшилик, меҳр-оқибат кутиб яшаш ноўрин бўларди.

Шифокорлар кўрсатган шошилинч ёрдам ва ғамхўрлик натижасида Раъно хоннинг ҳаёти сақлаб қолинди. Узоқ бўлсада, қариндошининг жонига қасд қилган Алихон Абдуллаев эса суд томонидан тегишли жазога тортилди.

Муҳаммаджон ТЕШАБОЕВ, Фарғона шаҳар прокурори, Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 22 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	855,60
1 Англия фунт стерлинги	2071,61
1 Дания кронаси	193,53
1 БАА дирхами	293,54
1 АҚШ доллари	1078,12
1 Миср фунти	186,20
1 Исландия кронаси	18,41
1 Канада доллари	896,12
1 Хитой юани	130,26
1 Малайзия рингги	283,75
1 Польша злотийси	353,31
1 СДР	1658,09
1 Туркия лираси	824,88
1 Швейцария франки	931,34
1 ЕВРО	1440,91
10 Жанубий Корея вони	10,74
10 Япония иенаси	102,84
1 Россия рубли	39,22
1 Украина гривнаси	203,65

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Юрт тупроғи — муқаддас

БОЙЛАР ҲАМ ЙИҒЛА(Й)ДИ

қачонки, қалбини Ватан соғинчи қийнаса...

Бетакрор санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

Собиқ шўролар даври. Қаҳратон қиш палласи. Самолёт Ўзбекистондан ҳинд тупроғи томон парвоз қилди. Ҳиндистон халқи кутилган меҳмонларни илиқ қарши олди. Гастрол бошланди. Сафарнинг иккинчи ҳафтасида катта концерт томошагоҳига одам сиғмай кетди. Нуфузли қўшиқчилар бир марта ўрнига икки-учтадан қўшиқ айтишди. Навбат Камилжон Отаниёзовга келганда уч-тўрт ашула айтилсаям уни томошабинлар қайта-қайта таклиф қилишар, илгаридан тузилган концерт режаси бузилган, делегацияга раҳбарлик қилаётган вазирликнинг ўринбосари Комилжон акага совуқ назар ташлаб ўтирар, "қараб тур сени" дегандек депсиниб қўярди.

Томошабинлар саҳнага хат узатишиб Маҳтумқули ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни илтимос қилиб қолишди. Бошловчи хатни беэътибор қолдирмоқчи бўлиб янги номерни эълон қилиб юборган эди, одамлар жунбушга келиб оёққа туришди. "Комилжон, Комилжон, Маҳтумқули", дея талаб қила бошлашди. Бироз саросимадан кейин бошловчи пешона терларини арта туриб, яна Комилжон Отаниёзовни саҳнага чиқаришга мажбур бўлди. Комилжон ака торини кўксига босиб ўртага чиққанида ҳам одамлар жойига ўтиришмас, қарсаклар тинмасди. Сеҳрли тор садолари дилларни қитиқлаб, Маҳтумқулининг "Айрилма" ашуласи бошланиши билан томошагоҳ сув сепгандай жимиб қолди. Берилиб ашула айтаётган Комилжон аканинг нигоҳи биринчи қаторда ўтирган басавлат, яхши кийинган ўрта ёшлардаги кишига тушди. Унинг кўзларида ёш шашқатор бўлиб, қимматбаҳо кийимига тушар, елкалари титраб-титраб йиғларди. Комилжон ака алланечук бўлиб кетди. У ўз қўшиқларининг сеҳридан йиғлаган анча одамларни кўрган-у, лекин ўзига тўқ кўринган бу одамнинг йиғлаши ўзгача, дардли эди. Комилжон ака ашула сўнгида "Ҳинди руси Бҳай, Бҳай, ҳинду ўзбек Бҳай-Бҳай" дея қўшиқ айтганида ҳаяжонланган ҳинд томошабинлари саҳнага югуриб чиқиб кетишди.

Анча толиққан, лекин жуда мамнун Комилжон ака ечиниш хонасига кирганида олтин балдоқли ҳассасини айлантириб ўтирган, боя ўзи томоша залида кўргани басавлат киши билан юзлашди:

— Кечирасиз, Комилжон оға, — деди басавлат киши соф ўзбек тилида, — мен сизнинг хонангизга берухсат кирдим, — деди энтикиб. Комилжон ака бу одам билан самимий сўрашиб, унга юзланди:

— Азизим, менга айтадиган биронта гапингиз борми? — дея сўради.

— Нима десам экан, биродар, биз алғовдалғов йилларда Ватанини тарк этганларнинг фарзандларимиз. Падари бузрукворимиз хазорасплик бўлганлар, отамиз вафот этганлар. Биз шу ерда, шаҳарда яшаймиз. Бу ерда ҳам ўзбеклар кўп, бир маҳалламиз, ўзимизга тўқмиз, хусусий корхоналаримиз бор. Фақат бир нарса бизни ўртайди, у ҳам бўлса, Ватан соғинчи, юрт айрилиғи, — деди ўксик ҳолда, ҳиндистонлик ўзбек. — Исмим — Давронбек, агар вақтингиз бўлса, бизникида меҳмон бўлсангиз. Сиз истаган вақтда мен сизга ва одамларингизга машина юбораман. Хизматингизга доим тайёрмиз.

Комилжон ака безовталаниб қолди. Рости, у ўз юртидагидек бу ерда эркин эмаслигини, раҳбарлардан сўрамай бир қадам ҳам бир ёққа чиқа олмаслигини унга қандай тушунтирса экан. Давронбек кўпни кўрган одам экан, ҳофизнинг андишасини тушунди.

— Биламан, сизларда тартиб қаттиқ, ихтиёр сизда эмас, менинг сиздан бошқа илтимосим бор эди. Раҳматлик отам бир умр Хоразмни соғиниб ўтди. Юрт дардида чеккан азоблари касалликдан чеккан азобларидан минг чандон ортиқ бўлди. Сўнги нафасигача юртимнинг бир сиқим тупроғини сиқимлаб ўлсам армоним йўқ, дея фиғон қилиб ўтдилар. Сиздан илтимосим шуки, бизга юртимиздан ақалли бир ҳовуч тупроқ юборишнинг иложини қилсангиз, биз умрбод миннатдор бўлардик, — деди мижжаларига қайта ёш инган Давронбек.

Комилжон ака илк бор икки ўт орасида қолди. Бу ишни қандай қилиб бажаришни у билмасди. Юртлар орасида деярли алоқа йўқ. Москванинг ўткир нигоҳидан ҳеч қачон, ҳеч нарса қочиб қутулмас. Ўртага чўккан узоқ сукунатни бузиб, Комилжон ака маъюс ториб қолган Давронбекка юзланди:

— Давронбек иним! Қуруқ ваъда беришни асло жиним ёқтирмайди. Лекин иншоллоҳ, сизнинг илтижоингиз доимо ёдимда бўлур, — деди Давронбекнинг елкасига дўстона қўл ташлаб.

Комилжон аканинг самимий гапидан бироз чеҳраси ёришган Давронбек хайрлашиб чиқиб кетди. Комилжон ака чуқур ўйга толганича курсида ўтириб қолди. Шу тобда у Маҳтумқулининг "Айрилдим" шеърининг мисраларини такрорлади. Комилжон акани шу пайт бошлиқлар хонасига чақириб қолишди. У хаёлларини истар-истамас бўлиб, оғир қўзғалди. Бошлиқлар хонасида делегация бошлиғи билан яна иккита ўрис забон кишилар ўтиришарди. Комилжон ака хона эшигини беркитиб-беркитмай бошлиқнинг аччиқ гапларини эшитди:

— Сиз ўзингизни бу ерда кимман, деб юрибсиз?! Боя саҳнага чиққанингизда сизга аталган бир номер ўрнига бир неча номер ижро қилдингиз? Бу қандай ўзбошимчалик, яна хонангизда бегоналар, сиз улуғ юртнинг вакили эканингизни, буёққа чиқишда "бурчнома"га қўл қўйганингизни нега унутаяпсиз?

Комилжон ака ўз қадрини жуда яхши биладиган инсон бўлганидан бу бошлиқ йигитнинг жеркиб қилган танбеҳларига дош бера олмади. Шартта портлади:

— Сиз...сен менга ёшуллилигингни писанда қилма, олсанг, номерингни оласан, қўлимдаги созим билан овозимни ололмайсан, — деди-ю шартта кирган эшигини тарақлатиб ёпиб, ташқарига отилди...Бу қилганлари ҳали беиз кетмаслигини билса ҳам Комилжон ака ортига қайтмади. У азалий одатини тарк эта олмайдиган собит одам эди...

Кунлар ўтди. Бир неча ой давомида ҳинд элига хизмат қилган санъат аҳлининг юртга қайтиш онлари ҳам етиб келди.

Самолёт зинапояларидан юқори кўтарилар экан, Комилжон ака сўнги бор ҳинд шаҳрига, унинг одамларига қайрилиб қаради. Сон-саноқсиз одамлар ичида унинг нигоҳи аэропортгаям келган Давронбекка тушди. Шунда Комилжон ака қўлларини юқори кўтариб, сўнгра кўксига босди. Буни қарангки, пастдагилар орасида турган Давронбек ҳам шу ҳаракатларни такрорлади. Улкан санъат арбоби, буюк инсоннинг кўзларида ёш айланди. У қайта ўгирилиб қарамай самолётга чиқди. Унинг титроқ лаблари бир жумлани қайта-қайта такрорларди холос: "Ватан,Ватан,Ватан, унинг ўрнини ҳеч нарса тўлдира олмас экан"...

Хушнуд ЁҚУБЖОНОВ

МУҲАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Янги ишларни бошлаш ва муваффақиятли якунлаш учун жуда қулай қунлар сизни кутмоқда. Имкониятдан фойдаланиб қолинг.

СИҒИР(22.04-20.05)
Ёқимтойлигингиз ва ўз имкониятларингизни тўғри баҳолай олишингиз туфайли унча-мунча муаммоларни осон ечасиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Атрофингиздаги кишиларнинг, айниқса, қарама-қарши жинс аъзолари меҳрини қозонишда олийжаноб ишларингиз жуда асқотади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Катта ютуққа эришиш йўлида баъзи бир кичик нарсаларни қурбон қилишга мажбурсиз, лекин бу ҳам унчалик ёмон эмас.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Бордию, ўз жуфтингизни ҳамон излаётган бўлсангиз, айни кунлар бу изланишни муваффақиятли якунлаш учун жуда қулай.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Яқин кунларда ишларингиз жуда "юришади". Ташқаридан қараганда, бу тасодифдек туюлса-да, анчамунча тер тўкишингизга тўғри келади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Оилангизда ёки иш жойингизда қандай қалтис вазиятларга дуч келманг, уларни осонлик ва мулойимлик билан бартараф этишга қодирсиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Айни кунларда сизга ҳамроҳ бўладиган кўтаринки кайфият ижодий маҳсулдорлигингиз даражасини анча юқори поғоналарга кўтариши ҳеч гапмас.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Қандай ишга қўл урманг, барчаси бароридан келверади. Лекин ноқонуний хатти-ҳаракатлар бундан мустасно. Ҳаддингиздан ошманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Барча куч-ғайратингизни кўчмас мулкингиз билан боғлиқ кўнгилли-кўнгилсиз муаммоларни ҳал этишга сарфлашга мажбур бўласиз.

КОВҒА (20.01-18.02)
Шуни унутмангки, ҳар қандай янгилик асосида бир вақтлар унутилган эски ғоялар ётади. Фаолиятингизда бунга амин бўласиз.

БАЛИК (19.02-20.03)
Баҳорий кўтаринки кайфият таъсирида севиб қолишингиз, ҳис-туйғулар таъсирида қимматбаҳо буюм совға қилишингиз ҳам мумкин.

Хоразм вилояти Оксоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими Урганч шаҳридаги Гулчилар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси **Абдушариф ХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Турмуш уқтирган ўгитлар

ҚАРИЯЛАР УЙИДАН ҚОРАЛАМА

Болалигимизда онам "отангга тик қарама, отангга гап қайтарма, ота қарғиши ўқ бўлади" деб тез-тез такрорлар эдилар. Бу гапларга бир эътибор бериб, бирда эътибор бермай юрсак ҳам, ота қарғишидан қўрқиб яшардик.

... Фарзанд йўқми, қаранг, улар бор,
Емоқ, ичмоқ, нафақа бисёр,
Йўталсангиз ҳамшира тайёр,
Била туриб, сўради деманг,
Нечук ўйга толдингиз,бобо?!
Устингиз бут, ётар жой шинам,
Бироқ нега кўзингизда нам,
Қайдан келган сизга бунча ғам,
Била туриб,сўради деманг,
Нечук ўйга толдингиз , бобо?!
Ўтган умр, қайтмайди бироқ,
Болалик ва ўтмиш ҳам йироқ,
Ўз-ўзидан туғилар сўроқ,
Била туриб, сўради деманг,
Нечук ўйга толдингиз, бобо?!
Қайда бўлса фарзанд омонми,
"Қариялар уйи" ёмонми,
Сиз-чун умр энди тамомми?..
Била туриб сўради деманг,
Нечук ўйга толдингиз, бобо?!
Олтмиш, етмиш, пайғамбар тўйлар,
Бўлмагани учунми ўйлар?..
Қайда қолди фарзанд, обрўйлар...
Била туриб, сўради деманг,
Нечук ўйга толдингиз, бобо?!.
Бизга буви, боболар азиз,
Мард фарзандга вафолар азиз,
Ҳеч бўлмасин жафолар азиз,
Хомуш хаёл сурманг, бобожон,
Ўйга толиб турманг, бобожон!
Айланайин ўйларингиздан,
Эгик, букик бўйларингиздан,
Биз қарздор тўйларингиздан,
Била туриб, сўрайман, узр,
Нечук ўйга толдингиз, бобо?!.

Менглибой МУРОДОВ

ОТА...

Ҳаётда бахтсизликка йўлиққан икки одамни танийман. Ҳар иккаласи ҳам қўшни маҳаллада яшайди.

Уларнинг биринчиси, ёшлигида безори бўлиб, тез-тез ичиб, уйда ҳар куни жанжал қиларди. Бир куни ичиб уйга келганда, койиган отасига қўл кўтаради. Кўчага қочиб чиққан ота кўпчиликнинг олдида ўғлини "оқ" қилади. Кейинчалик ораларидаги муносабат яхши бўлиб кетади, ўғил тавба қилади, ялинади. Ўғилнинг иши юришмади, аввал турмуш ўртоғи, кейинчалик эса бир фарзанди оламдан ўтди, топганида барака бўлмади. Икки қизи турмушидан қайтиб келди, ўғиллари уйидаги жанжаллардан безиб, отанинг оқ фотиҳасини олмай, бўлак чиқиб кетишди. Шу одам ҳозир 60 ёшдан ошган. Давраларда қисиниб ўтиради, гарчи ўтган воқеаларни биров юзига солмаса ҳам, оталар ҳақида гап кетса ҳам ич-ичидан ёниб кетади, ҳамон боши эгик.

Иккинчиси эса уйда гарчи кенжа ўғил бўлса ҳам, ота-онасини қариганда ёлғиз ташлаб, бошқа уй-жой қилиб чиқиб кетди. Хотинининг гапига кириб, онаси ўлгач отаси билан мерос талашиб, қаттиқ жанжаллашиб қолади. Алами қинидан чиқиб кетган ота уни қарғаб, "оқ" қилиб юборади. Йиллар ўтаверди, ота ҳам онанинг орқасидан мангуликка йўл олди. Ўғилнинг эса оиласидан дарз кетди. Бири икки бўлмади, фарзандлари ноқобил чиқди. Бир эмас, икки ўғли қамалиб кетди, ўзи ишдан ҳайдалди, ичкиликка берилиб, ногирон бўлиб қолди. Маст ҳолда кўрганлар унинг доимо "мен отамнинг қарғишини олганман" деб йиғлаганларини бот-бот эслашади.

Мана сизга икки одамнинг ҳаётидан олинган мисол. Мен бу воқеаларни тўқиб чиқарганим йўқ, қандай бўлса шундай ёритдим, холос.

Кимлардир ота қарғиши ва бу бахтсизлик тасодифан тўғри келиб қолгандир, дея хулоса ясаши ҳам мумкин. Балки... мен эса бу воқеалар баҳона отанинг оиладаги мавқеи, унинг ўрни ҳақида ўз фикрларимни ҳам баён этмоқчиман.

Ота — оила бошлиғи. Баъзи бир халқларнинг таниқли одамлари билан суҳбат юритилган мақолалар. Унда гоҳо оила бошлиғи деб аёлни ҳам кўрсатишади. Бизда эса мутлақо бундай эмас. Қадимдан, ҳозир ҳам, келгусида ҳам бизда ота — оиланинг каттаси. Қўлидан иш кетиб, қўлига ҳасса тутган отангиз бўлса, қандай яшаяпти, қандай кун кечираяпти, бир қизиқиб қўйдингизми? Бир коса овқатни очиқ иштаҳа билан еяптими ё келиннинг зардаси қўшилган овқатга қошиқ урмай ўтирибдими? Қариганда энг кўп соғинганингиз — меҳрдан узилиб қолмадимикан ёки икки кўзи тўрт бўлиб сизнинг йўлингизга термулиб турибдимикан-а?

Бир пиёла иссиқ чой устида улардан кўнгил сўрашга тилингиз келаяптими ё ўзингизнинг ташвишингиздан нолиб-нолиб туриб кетдингизми?

Биродар, ота қариганда қизларидан ҳам кўра ўғилга кўпроқ суяниб яшайди. Шунинг учун унинг ҳолидан хабар олишни ҳадеб эртага сураверманг. Ота ҳам ғанимат, унинг дуосини олиб қолинг, кам бўлмайсиз. Ёшларимиз эса, ҳаётда чопиб юрганларида энг катта суянчиқлари, орқасидаги катта тоғлари — оталарининг олдини кесиб ўтмасинлар. Зотан, ота иснод келтириш, отага лаънат олиб келиш уларнинг йўлини кесиб чиқиш билан баробар.

Отанинг ғазаби қўзғамасин, алами қинидан чиқмасин, тилига ёмон сўз келмасин, алҳазар! Ота қарғиши — ўқ!

Ота — оиланинг каттаси, ота — элнинг оғаси, ота — юртбоши!

Отанинг бу дунёда топгани фарзанд бўлса, берадигани дуо!

Ота дуоси мушкулингизни осон қилади, ишларингизни ўнгидан келтиради, йўлингизни ёруғ қилади. Бахти баркамол бўлиб яшаётганларнинг ҳаётига синчиклаб қаранг, уларнинг ҳаммаси оталарини рози қилган, оталарининг дуосини олган, илойим сиз ҳам шундай бўлинг!

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Кунлардан бир кун...

ТАБАРРУК ЖОЙ

Бу воқеа будтурги ёз кунларининг бирида юз берди... Янгиобод қишлоғининг ўртасида чоғроқ масжид бўларди. Шўролар ҳукмронлиги даврида у ҳам ноҳақ тазйиққа учради. Эллигинчи йилларда йиқитилиб, тамоман барҳам берилди. Бино йўқотилса-да, одамлар масжид жойини озода тутиб, оёқ ости қилинишига йўл қўймадилар.

Қишлоқ бош режа асосида қайта қурилгач ҳам, масжид ўрнидан ҳовли учун ер олишга ҳеч ким ботинмади, шекилли, бир парча ер ҳамон бўш ётарди. Қишлоқ аҳли бу ерда темирчилик устахонаси ташкил этишга келишиб, бу иш уста Ражаббойга таклиф қилинди. Устахона қурилиши тезкорлик билан бошлаб юборилди. Қурувчиларга тушликда қўшни хонадонлардан иссиқ овқат, мева-чева, турли егуликлар келиб турар, қишлоқ удуми-да, давра гавжум бўларди. Бир куни Камол шофер ҳам сув ташийдиган машинасини "пўриллатиб" келиб, тушлик дастурхонига шерик бўлди. У лагандаги буғи чиқиб турган тансиқ таомни кўриб, биттагина "аччиқ сув" керак эканда, дея бир болакайга пул тутқазиб дўконга чоптирди. Ароқ келгач, кимдир "масжид жойида бу иш тўғри келмас" дегандай бўлди. Жуда ичгиси келиб турган Камол бунга эътибор ҳам бермай, чўққа тушиб ароқни очишга киришди. Шу пайт унинг йўл четида қантарилган автомашинаси ўз-ўзидан орқага юра кетди. Эсхонаси чиққан Камол ароқ шишани ерга қўйиб, машинага қараб югурди. Улгуролмади. Беш тоннача сув тўла автомашина йўлдан четга чиқиб, икки газ чуқурликдаги гулхонага ағдарилди. Камол ароқни очишга ҳам, ичишга ҳам улгуролмади...

— Ўзи йўл бермади-да, — деди кимдир.

Қудрат ХУДОЕВ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университети томонидан Шамшиев Солижон Адҳамовичга 2003 йилда берилган В 109939 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

* * *

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "KREKS QO^SHUV" МЧЖга 2000 йилда берилган бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

* * *

Утерянный диплом НВ 948034 выданный в 1987 г. ТГК на имя Кучеровой Ларисы Альбиновны, считать недействительным.

* * *

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 232-мактаб томонидан 1986 йилда Нурмухамедов Рустам Икромович номига берилган Г 977943 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

* * *

Ранее опубликованное объявление в газете "Тоҳкент Ҳафтаномаси" от 26.02.04.г о ликвидации Фонда "Donishmand", Яккасарайского района (код ОКПО 16413304) считать не действительным в связи с возобновлением его деятельности.

Миллий кинология Маркази хизмат итлари учун махсус анжомлар сотиб олади.
58-84-99 58-63-68 (факс).

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

10214 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-222 Топширилди — 12345